

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси Адлия  
Вазирлиги

«22» «июн» 2016 й.



«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Эски жува дехқон бозори» АЖ  
акциядорларининг 2016 йил  
28 июндаги қарори билан



**“ESKI JUVA DEHQON BOZORI”**  
**aksiyadorlik jamiyatining**  
**УСТАВИ**  
(янги таҳрирда)

Тошкент ш.

## **1. Умумий қоидалар**

**1.1.** “ESKI JUVA DEHQON BOZORI” aksiyadorlik jamiyati (бундан буён "Жамият" деб номланади) хўжалик юритиш хуқуқига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар қандай қонунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустакил хўжалик юритувчи субъектдир.

**1.2.** Жамият, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда) ҳамда амалдаги қонунчилик ва қонун ости хужжатларига асосан фаолият кўрсатади.

**1.3.** Жамиятнинг тўлиқ фима номи:

**Ўзбек тилида:**

- лотин алифбосида: “ESKI JUVA DEHQON BOZORI” aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: “ESKI JUVA DEHQON BOZORI” акциядорлик жамияти,

**Инглиз тилида:**

Joint stock company “ESKI JUVA DEHQON BOZORI”

**Рус тилида:**

- акционерное общество «ESKI JUVA DEHQON BOZORI»;

**1.4.** Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- кирилл алифбосида: « ESKI JUVA DEHQON BOZORI » АЖ;
- лотин алифбосида: « ESKI JUVA DEHQON BOZORI » AJ;
- рус тилида: АО “ESKI JUVA DEHQON BOZORI”;
- инглиз тилида: JSC «ESKI JUVA DEHQON BOZORI».

**1.5.** Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): индекс 100002, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28 уй.

**1.6.** Жамиятнинг электрон почта манзили: eski-juva-dehqon-bozori@mail.ru

**1.7.** Жамиятнинг расмий веб.сайти: [www.eskijuva-bozori.uz](http://www.eskijuva-bozori.uz)

## **2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.**

**2.1.** Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акционерлари ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни кондириш мақсадида амалга оширади.

**2.2.** Кўзланган мақсадга мувофиқ қуидагиларни амалга оширади:

- Қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, ёрдамчи ва хунармандчиллик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;
- Кенг турдаги қишлоқ хўжалиги, озиқ –овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шаҳобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари) дан фойдаланган ҳолда чакана ва майда улгуржи олди – соттисини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасаррӯфидаги биноларни ижарага бериш;
- хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб қилиш мақсадида реклама ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;
- озиқ – овқат ва товарларни ишлаб чиқариш мақсадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш;

- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташки иқтисодий фаолият кўрсатиш;
- тижорат, дорихона, савдо – харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;
- жамият таркибидаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, дехкон фермер ва жамоа хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни харид килиш ва ушбу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдоси орқали сотиш ҳамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;
- савдо – харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторон, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;
- жисмоний шахс ёки хуқукий шахс хуқуқини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;
- пуллик авто турар жойларини, майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошқа майший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун майший хизмат кўрсатиш;
- ҳар-хил қандолат моллари, салқин ичимликлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун тайёрлаш ва сақлаш, қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- тижорат, савдо-сотиқ ва савдо-воситачилик фаолияти;
- томошалар, шоу ўйинлари, лотериялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошқа маданий-оқартив, спорт соғломлаштириш ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиш;
- бинолар ва уйларни куриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошқа асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсалар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошқа савдо обьектларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва сақлаш, улар билан бошқа операциялар ўтказиш;
- лойиха-смета ҳужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш, лойиҳалаш-изланиш, курилиш, курилиш-монтаж, юргизиш-тузатиш, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-майший бинолар, иншоотлар ва обьектларнинг қайта қурилишини амалга ошириш;
- риэлектерлик фаолияти, кўчмас мулк обьектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошқа операцияларини амалга ошириш;
- стационар ва кўчма авто ёқилғи қувиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган ва чет эл маркали автомобиллар, ҳар-хил транспорт воситалари ва бошқа техникага техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармоғини тузиш ва улардан фойдаланиш;

- бозор конъюктурасини ўрганиш, сотиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишни ўрганиш, ички ва ташқи ҳамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларни ўтказиш;

- Конунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ва ташкил этиш.

**2.3.** Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шуғулланиши хуқуқига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичида ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин.

**2.4.** Жамият кўрсатилган фаолиятни бажариш мақсадида аукционларда, биржа ва бошқа савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларида тижорат тадбирларида қатнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик актлар ва битимлар, шу жумладан кредит-хисоб, касса муаммоларини амалга оширади.

**2.5** Жамиятнинг фаолияти муддати чекланмаган.

### **3. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қўйидаги хуқуқларига эгадир:

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида хар кандай тулов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар оркали уз маблагларини айрибошлаш;

ўзининг ишлаб - чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз қарамоғидан (балансидан) мол - мулқ, карз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

қонунчиликка мувофик, уз ходимлари учун кушимча иш таътиллари, кискартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш;

3.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

3.3 Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор килганлик учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.4 Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият директори томонидан белгиланади.

### **4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ.**

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамият устав фондининг миқдори 2 200 000 000 (икки миллиард икки юз миллион) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 2200000 (икки миллион икки юз) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акцияларга бўлинган, улардан 100% акциялар жойлаштирилган.

#### **а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

4.3. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.5. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият чиқаришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялар миқдорини белгилайди.

4.7. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.8. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равища чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1000 сўм бўлган 30 000 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялардан иборат.

## **6) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

4.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

5.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмиdir.

5.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

5.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қофозлари билан тўланиши мумкин.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

5.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендернинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендер

тўлаш тўғрисидаги қарорда дивиденdlар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивиденdlарни тўлаш акциядорларнинг дивиденdlарни олишга бўлган тенг хукуqlарига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.8. Дивиденdlарни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивиденdlарни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.8. Эгаси ёки эгасининг қонуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч ийл ичидан талаб қилиб олинмаган дивиденd акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

5.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивиденdlарни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобвараfiga ўтказиб бериши шарт.

5.10. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивиденdlар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

5.11. Жамият дивиденdlарнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивиденdlар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

## **6. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фонdlарни акциядорларнинг умумий йиғилишида ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

6.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 6.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.

6.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **7. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

7.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi ва Ижроия органи раҳбари (Директор).

## **8. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.**

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисбот йиғилиши молия йили тутаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда “Директор” деб юритилади), коллегиал ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 8.5 бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш ва бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган холатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

8.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига таалукли қоидалар бундан мустасно.

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- имтиёзли хуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- қонунчилиқда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиши, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор, аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш хақидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Солиқقا оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидағи давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш билан боғлик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

8.8. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

## **9. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

9.1. Жамият Кузатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига қўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

9.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшишиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, қонунчилика назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисбботларини эшишиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг қўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бориш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бориш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан амалдаги конунчилик талабларидан келиб чигкан холда, битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият акцияларининг жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш;

9.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлади.

9.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги конунчилик ва «Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

9.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибиға сайланган деб хисобланади.

9.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибиға сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар, уларни сайлаш тартиби ва фаолият юритиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

9.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.12 Жамият директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг қузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9.14. Жамият қузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият қузатув кенгашига сайдланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.15. Жамият қузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият қузатув кенгашининг янги таркибини сайдлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.16. Жамият қузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият қузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда қузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш» конунинг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият қузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.17. Жамият қузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето кўйилган қарорлар ижро этилмайди.

9.18. Жамият қузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришига кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

9.19. Жамият қузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият қузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.20. Жамият қузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзолangan куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига қузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

9.21. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

9.22. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.23. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

## 10. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

10.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

10.4. Жамият Директори Кузатув кенгаси томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаси раиси имзолайди.

10.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

10.6. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.7. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

10.8. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ миқдори, хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

10.9. Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

10.10. Жамият кузатув кенгаси жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор қилишга), ҳақли.

10.11. Жамият Директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаси томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қиласди;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- штатларни тасдиқлади, Жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчилликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлади;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қиласи.

10.12. Жамият Директори ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

10.13. Жамият Директори қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

## **11. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.**

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

11.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонунчиликда ва «Тафтиш комиссияси тугрисидаги» Низом билан белгиланади.

11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтиш комиссияси тугрисидаги» Низомда белгиланади.

11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташабусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият

ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу банднинг 11.8. кисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

## 12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.



A handwritten signature in blue ink, appearing to read "Абдусаломов" (Abdusalomov).

Э.Инагамов